



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 1-may • Payshanba • 55 (27.860) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда 29-30 апрель кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш муаммоларига бағишланган «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик: унга эришиш йўллари ва усуллари» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Сиёсий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги ва Янги демократиялар институти (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конференция ишида Осиё, Америка ва Европанинг 20 мамлакатидан хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи қирқдан зиёд сиёсатшунос ва экспертлар иштирок этди.

Форум қатнашчилари минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалаларини чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиб, қуйидаги қатъий хулосага келдилар: аҳолиси қарийб 30 йилдан буён тинч ҳаёт нималигини билмай келаётган Афғонистондаги вазият бугун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишга, шунингдек, глобал хавфсизликка салбий таъсир қўратаётган асосий омил бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, экспертлар афғон муаммосини ҳал қилишнинг ҳарбий усуллари ўз имкониятларини батамом тугатди, деган яна бир муҳим хулосани баён этдилар. Афғонистон масаласини ҳарбий йўл билан ҳал этишга ортиқча уриниш самарасиз бўлиб, ушбу мамлакатдаги қарама-қаршиликни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин. Қолаверса, бундай можароли вазият қўшни мамлакатларга ҳам бийлиши эҳтимолдан холи эмас.

Афғон муаммосини бартараф қилишнинг ягона йўли — Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликка эришишга доир муаммолар ечимининг тинч ва мақбул усулларини излашдан иборатдир.

Айни шу сабабдан конференция иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 3 апрель кўни Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида илгари сурган тақдирларини кенг қўллаб-қувватладилар. «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган ташаббуслари минтақада хавфсизлик муаммоларини ечиш ишига жаҳоншумул аҳамиятга молик ҳисса бўлиб қўшилди», — деди Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази президенти, профессор В.Наумкин (Россия). — Моҳиятан, Ўзбекистон раҳбари томонидан очик ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги модели тақлиф этилди».

Кавказ тадқиқотлари маркази эксперти Парамжит Сахай (Ҳиндистон) Ўзбекистон раҳбари Афғонистон муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишнинг аниқ, чуқур ўйланган йўллари тақлиф этганини қайд қилиб, қуйидагича фикр билдирди: «Дарҳақиқат, афғон можаросига барҳам беришда фақат куч ишлатишга таянган йўл ўзини оқламади ва бу борадаги

барча имкониятлар ишга солиб бўлинди. Афғонистондаги вазиятни фақат кенг қўламли ҳамкорлик, сиёсий ҳамжиҳатликка эришиш билан ҳал этиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпчилик айнан шундай фикрда. Аввало, таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларга, Афғонистон иқтисодиётини қўллашга доир лойиҳаларга эътибор бериш керак. Шу нуктаи назардан Президент Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган ташаббуслари фавқуллоҳда муҳим аҳамиятга эга».

«Ўзбекистоннинг ташаббуслари ғоят муҳимдир. Ўз вақтида илгари сурилган бу ташаббуслар Афғонистонни барқарорлаштиришнинг самарали йўллари топишга қўмаклашди», — деди Минтақавий тадқиқотлар институти президенти генерал Жамшид Аёз Хон (Покистон). «Мен ҳарбий киши сифатида айтишим мумкин, — деб таъкидлади у, — эндиликда Афғонистонда ҳарбий куч билан тинчлик ўрнатишнинг барча имкониятлари батамом тугатди. Айни вақтда Афғонистондаги барқарорлик кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга олиб келади, Марказий Осиёни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатларини бизнинг бандаргоҳлар билан туташтирадиган энергетика ва транспорт коммуникациялари, нефть ва газ қувурлари бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун имкон яратди, экспорт-импорт операциялари сонини кўпайтиришга олиб келади».

(Давоми 2-бетда)



ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимиз ўзининг табиий бойликлари, sanoat korxonalari, ilmiy-texnik imkoniyatlari bilan dunёda ўziga xos nuфuzga эga. Kadrларимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Уни ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш иқтисодийтимизни жадал суръатлар билан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзэкспомарказ»да очилган Биринчи «Республика инновация голяри ва лойиҳалари» деб номланган кўргазмада ҳам худди шу ҳақда сўз борди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Вазирлар Маҳамаси Департаментлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари тасарруфидаги юздан зиёд илмий-тадқиқот, олий таълим, таъриб-конструктор этиш иқтисодийтимизни жадал суръатлар билан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ярмаркада хўжалик юритувчилар билан инновация ишланмаларини жорий этиш бўйича қатор шартномалар тузиш кутилмоқда. Ярмарканинг очилиш маросимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бугун юртимиздаги ёшлар ўрта-сида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, мазкур кўргазмада «Шарқ тиллари бўйи-

ча электрон-мультимедияли дастурлар яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш» компьютер дастури билан қатнашамиз, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти ахборот технологиялари маркази бўлим бошлиғи Нуриддин Сотибоддиев. — Мазкур дастур араб, форс, турк, хинд, япон, корейс тилларини мустақул ўрганиш имкониятини яратди.

Ярмаркада хўжалик юритувчилар билан инновация ишланмаларини жорий этиш бўйича қатор шартномалар тузиш кутилмоқда. Ярмарканинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Қосимов, Э.Шоиматов иштирок этди.

Жасур ХУСАНОВ
Суратда: кўргазмадан лавқа.
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган сурат

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Хоразм вилояти фаоллари ййгилишида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иш-лохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими О.Оллаберганов бошқарди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсди. Саноат ишлаб чиқариши 12,3, халқ истеъмоли моллари 15, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,7, чакана савдо 14 фоизга ошди.

Вилоятда саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Cottontex» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида 1 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ускуналар ўрнатилиб, пахта толасини қайта ишлаш қуввати оширилди. Янгибозор ва Қўшқўпир туманларида Хитой технологияси билан ҳижозланган иккита гишт заводи ишга туширилиш арафасида.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эвазига аҳоли бандлиги даражаси ҳам ошиб бормоқда. Йилнинг дастлабки чорагида 10 мингдан зиёд янги иш жойлари яратилди. Лекин касаначилик имкониятларидан фойдаланишда сусткашлик кузатилмоқда. Вилоятдаги саноат корхоналарида касаначилик асосида атиги 823 янги иш ўрни очилган, холос.

Қўшқўпир, Шовот, Урганч, Янгиариқ туманларида туғридан-туғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, гўшт-сут, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмаётгани танқид қилинди. Касб-хунар коллежлари қурилишида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хива, Шовот туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас.

Фаоллар ййгилишида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган тадбирларни изчил амалга ошириш, галла ўрми-ийиғимида пухта тайёр-гарлик қўриш, суғориладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Мажбур камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва галдаги вазифалар белгиланди.

Хоразм вилояти фаоллари ййгилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Хива шаҳрида «Аёллар ва ёшлар гйёҳвандлик, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди. Республика Бош прокуратураси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда воҳа ёшлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осийишталикни сақлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, барча миллат вакиллари-нинг бир оила фарзандларидек тотув яшашини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир.

Тадбирда шулар ҳусусида сўз юритилиб, жамиятда ёшлар фаоллигини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш устувор аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Ўқувчи-ёшлар ижросида гйёҳвандлик, жиноятчилик иллатлари кескин қораланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ватанга муҳаббат, ёшлик мадҳ этилган кўшиқлар янгради.

Форум якунида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзuida ўтказилган иншолар ва расмлар танловининг голибларига ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Ионова, Хоразм вилояти ҳокими О.Оллаберганов иштирок этди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири



«ОЛИМПИАДА БИЗНИ ДЎСТЛАШТИРДИ, БИРЛАШТИРДИ»

дейишмоқда 42-халқаро Менделеев
олимпиадаси иштирокчилари

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда пойтахтимизда кимё фани бўйича ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 14 мамлакатидан келган иқтидорли ёшлар ўз билимларини синовдан ўтказиб, голиблик учун курашишмоқда. Улар сафида Абу Райҳон Беруний, Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улукбек сингари жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ўн нафар ворислари борисдан ифтихор қиламиз.

4-бет



2008 йил — Ёшлар йили

«ЯШИЛ ПОСБОН» ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

ёки атроф-муҳитни тозалаш ва кўкаламзорлаштириш бўйича Сергели туманида бошланган ташаббус ҳақида



Субҳидамда эшик олди, кўча ва йўлакларга сув сепиб, супуриш келинлик зийнатидир, дейишди кўни кўрган кексаларимиз. Аслида бундай удумлар халқимизга хос фазилатдир. Тозалик, поклик ва ҳалоллик бор жойда барака бўлади деб, кун чикмасдан кўча дарво-

заларининг очиб қўйилиши кенглик, меҳмондўстликдан нишона. Саранжом-саришта, супуриб-сидирилган кўчадан ўтганимизда эса кўнгил ёришади, дилдан ўзликни ҳис эта-миз.

Кўни кеча пойтахтнинг Сергели тумани ҳокимлигида уюштирилган

хайрия тадбирида иштирок этиб, ана шундай ҳаёлларга бордик. Ййгиланлар асосан мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларидан иборат эди. Улар деярли бир хил кийинишган, билаларида «Яшил посбон» ёзуви боғич кўзга ташланади.

Кеча «Яшил посбон» кўнгилли аъзоларининг энг ибратли меҳнат самараларини баҳолашга бағишланган навбатдаги босқич тақдими бўлиб ўтди.

4-бет



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференцияда сўзга чиққан Афғонистон вакили — Мажаролар ва тинчликни рғаниш бўйича марказ эксперти Нажиб ур-Раҳмон Маалал ўз юртида ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиш мумин эмаслигини алоҳида аъкидлади. Унинг фикрича, барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш учун Афғонистон халқига ижтимоий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш ёрак. Одамларда бунёдкорлик туйғуси пайдо бўлса, одамлар меҳнатга киришади, даомад орттиради, уларда ўз ортининг равнақи, осоишалиги ва фаровонлиги учун масъулият ҳисси пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг ташаббуслари Афғонистон инқирогига айнан мана шундай ечим олишга қаратилган.

Ўзбекистон раҳбарининг 001 йилгача фаолият ўрсатган «6+2» гуруҳини Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришиш бўйича «6+3» мулоқот гуруҳига айлантириш ҳақидаги ақлифи конференция қатнашчилари — экспертлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Тахлилчиларнинг фикрича, Афғонистонга қўшни олти мамлакат — Эрон, Хитой, Поистон, Тожикистон, Туркмаистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган «Мулоқот гуруҳи афғон муаммосини бартафари этиш йўллари»ни топиш бўйича умумий принцип ва ёндашувларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш, Афғонистонда тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича умумий англашув ва манфаатдорликни ишлаб чиқиш учун энг муҳим механизмига, яхши муҳим майдонига айланиши мумкин. БМТ фаолиятидаги ушбу нуфузли таъкиднинг масъалатлар органи сифатида ишлайдиган «6+3» мулоқот гуруҳи жаҳон ҳамжамияти ва тинчликпарлар миссиянинг Афғонистондаги тиклаш ва иқтисодиётини ёққа тургазиш борасидаги аъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга, қарама-қарши а низолашаётган томонлар араёни ташкил этилишига алмоқли ҳисса қўшиши мумин бўлур эди. Афғонистонда турли халқаро дастурлар, ввало, БМТ дастурлари дорасида кўрсатилмаётган иқтисодий ва гуманитар рдамни кенгайтириш бўйи а тақлифлар ишлаб чиқиш шбу гуруҳнинг энг муҳим вифаси бўлиши мумкин.

«Бу янги го аамалда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ишига кенг ўламли халқаро ҳамкорлик и фаол жалб этиш имкони и беради», деб қайд этди

Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акинер (Буюк Британия). Шарқий Кентукки университети ҳузуридаги Адлия ва ҳуқуқ-тартибот маркази директорининг ўринбосари Синтия Коллинз Шейн (АҚШ) ҳам музокара жараёнининг «6+3» мулоқот гуруҳи доирасида тикланиши афғон муаммосига ечим топиш борасида ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги гоалар ўртага ташланишида, ўзаро мувофиқлаштирилган қарорлар қабул қилинишида муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Конференция қатнашчилари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасидаги Ўзбекистон тақлифларининг кескин ва долзарб ижтимоий, иқтисодий муаммоларга, аҳолининг бандлиги ҳамда бошқарув вертикили ва ҳокимият нуфузини мустақамлаш муаммоларига устувор аҳамият бериш зарурлиги ва муҳимлиги ҳусусидаги қисми муҳокамасига алоҳида эътибор қаратдилар. Шанхай халқаро муносабатлар институтининг Россия ва Марказий Осиё бўлими директорининг ўринбосари Нинь Цян қўйдагиларни таъкидлади: «Президент Ислам Каримовнинг Бухарестдаги нутқи менга яна шуниси билан мақбул ва тушунарли бўлдики, унда умуман минтақавий хавфсизликни ва, жумладан, Афғонистондаги хавфсизликни таъминлашда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бош масала сифатида қайд этилди. Бу мутлақо мантикий ва асосланган ҳаққоний фикрди».

Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директори Александр Цинкернинг (Исроил) фикрича, «Ўзбекистон раҳбарининг барча тақлифлари ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам, уларни ҳаётга таъдбик этиш имкониятлари бўйича ҳам пухта ўйланган ва аниқ тақлифлардир. Ҳақиқатан ҳам, биринчи галда ижтимоий-иқтисодий соҳани тиклаш, мактаблар, шифохоналар қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш зарур. Ҳозир наркотик билан савдо қилувчилар ва террористлар ҳеч қандай тўсиқсиз кесиб ўтаётган Афғонистон чегараси муаммосини бутунлай ва узил-кесил ҳал қилиш зарур». Шу билан бирга у «маҳаллий анъаналарни ҳам албатта инобатга олиш зарур»лигини таъкидлади.

Экспертлар, Ўзбекистон Президентининг нутқида таъкидланганидек, кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувват-

лаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз ҳуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик зарурлиги Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришнинг, бу жафокаш заминда тинчликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шарт-шароити қайд этилди.

Афғонистонлик экспертлар таъкидлаганидек, «Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон халқининг аънавалари, урф-одатлари ва динини ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақидаги даъвати афғон халқининг маънавий юксалишига қаратилган. Шу чоқкача ҳеч ким бу масалага эътибор бермаган эди. Ҳолбуки, афғон халқи ўзининг бой тарихига, жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга».

Мустақил эксперт Фрэнсис Тибор Миконинг (АҚШ) фикрича, «минтақада этник муаммолар ҳамда минтақанин ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига таъсир этадиган муаммолар билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар бор. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси шу маънода ҳам ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришда, демакки, мавжуд масалаларни янада самарали ечишда, Афғонистонда барқарорликни таъминлашда ўзига хос робита бўлиб қизиб қолди».

Халқаро тадқиқотлар институти эксперти Кристофер Роланд Ленгтон (Буюк Британия) шунинг алоҳида таъкидладики, «Ислам Каримовнинг тақлифлари гоая аҳамиятли ва Афғонистондаги реал вазиятга асосланган. Масалан, мен ҳам Афғонистонда бошқарув вертикалини мустақамламай туриб, амалда ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Халқ ишонидиган ҳокимиятни тузиш керак, лекин уни шакллантиришда маҳаллий ўзига хосликни албатта инобатга олиш лозим».

Конференцияни якунлар экан, унинг иштирокчилари ушбу форум ҳар бир қатнашчига ўз нуктаи назарини баён этиш имкониятини яратганини, НАТО/СЕАПнинг Бухарест саммитида илгари сурилган Ўзбекистон ташаббусларининг экспертлар томонидан теран ўрганилишининг муқаддимаси бўлганини, мазкур тақлифларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга, бутун Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

(ЎЗА)

Фракция фаолияти

Шифокор деганда оппоқ халлатли, юзидан табассум, яхшилик порлаб турган саломатлигимиз посбонлари кўз олдимизга келиши табиий. Аммо Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан бўлган учрашувда қўйи палата Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Аслиддин Рустамов масаланинг бошқа томонига эътибор қаратди.

— Бугунги учрашувимиз Президентимизнинг «Ешлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида белгиланган вазифаларга бағишланган, — деди у. — Айнан сизнинг ҳузуригизда бундай тадбирни ташкил этишнинг сабаби шундаки, сиз нафақат халқимизнинг соғлигини муҳофаза қиласиз, балки аҳолининг зиёли, илғор қатлами ҳисобланасиз. Ҳар кун оддий одамлар билан мулоқотда бўласиз. Демак, халқимиз бугун қандай ўй-фикрлар билан яшайпти, одамлар қандай яратувчида, бунёдкорликнинг пайида юрибди яхши биласиз. Юртимизда амалга оширилган ўзгаришларни кенг ва самарали тарғиб қилишда ҳам алоҳида ҳиссангиз бор.

Дастурга мувофиқ ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ҳамда бошқа зарарли одат, нуқсонларга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш, спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш белгиланган. Бундан ташқари, ёш

оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда маънавий бой, жисмонан соғлом болаларни тарбиялашга ҳам алоҳида урғу берилаяпти. Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, фуқаролар тиббиётининг энг илғор ютуқлари орқали сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш

лари учун шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Қонун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий ёрдам сифати

га оид давлат стандартларини ишлаб чиқиш, барча тиббий муассасаларнинг ушбу қонун меъёрларига қатъий риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ваколатлари, масъулиятини аниқлаштиради. Унда аҳолига қаратилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни ташкил қилиш, давлат соғлиқни



ДЕПУТАТЛАР ШИФОКОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солиш юзасидан вазифалар аниқ белгилангани айтиб ўтилди.

— Утган йили ўзининг 75 йиллигини нишонлаган даргоҳимизда 600 нафарга яқин ходим меҳнат қилади, — дейди институт ректори Жўра Собиров. — Уларнинг 350 га яқини профессор-ўқитувчилардир. Айни пайтда 600 нафардан ортиқ республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган врачлар, клиник ординаторлар ўз малакасини ошираяпти. 70 нафардан ортиқ аспирант тадқиқот ишларини олиб борапти. Ҳар йили бу ерда қўллаб-қувватлаш, докторлик диссертация-

лари ҳимоя қилинади. Бугунги учрашув жамоамиз ва тингловчиларимизнинг «Ешлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини яна бир бор қўқур англаб, тушуниб олиши, ўз фаолиятига оид қонунчиликдаги ўзгаришлар билан яқиндан танишишига катта хизмат қилди. Қонун ижодкорлари билан бевосита учрашув парламентимиз фаолияти, қабул қилинаётган янги қонунлар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳақидаги савол-жавобларга ула-ниб кетгани аниқ маънада бўлди.

— Ҳар кун йўлб ҳонадонларда бўламиз, — дейди Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали 3-

бекат шифокори Фазлиддин Шукуров. — Фуқароларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатганимиздан сўнг беморни тинчлантириш учун бироз суқбат ҳам кураимиз. Шунда кўпгина ҳонадонларда оила аъзолари юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, янгилашлар ҳақида фикримиз билан қизиқишади. Айрим масалаларда маслаҳат ҳам сўрашади. Ана шундай вақтда нафақат шифокорлик, балки бевосита тарғиботчилик фаолиятини ҳам олиб боришга тўғри келади. Ҳозир депутатларнинг оддий кишиларни қизиқтирадиган қўллаб-қувватлашга жавоб бергани кейинги фаолиятимизда жуда қўл келади.

Депутатлар қўйи палата ва Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар. Тингловчиларни қизиқтирган саволларга фракция аъзолари Боймурод Юсупов ва Улғубек Вафоевлар ҳам батафсил жавоб бердилар.

(Ўз мухбиримиз)

Абдусиё ХАЙДАРОВ
олган сурат.

ЎЗХДП ҳамкорлигида

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ТАЙЁР

Учтепа туманида ўтказилган тадбир бунини яна бир бор исботлади

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Боғи шамол» маданият ва истироҳат боғи ёшлар билан гапму. Бир томондан одамлар келишарди, иккинчи томондан кўпчилик мамнун кайфиятда чиқиб кетмоқда. Чунки туман ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш маркази, ХДП туман кенгаши ҳамкорликда уюштирган бўш иш ўринлари ярмаркасидан ишсиз ёки вақтинча банд бўлмаган фуқаролар, уйда ўтирган аёллар, коллежлар битирувчилари ўзларига мос иш топдилар. Ярмарка билан бирга ташкил этилган касблар фестивалида тумандаги ўрта мактаблар битирувчилари ўзлари истаган йўналиш бўйича касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни танлади.

маълумот бор, — қўшимча қилади марказнинг ишга жойлаштириш бўлими бош мутахассиси Нигмат Мухомов. — Туман ҳудудидан ўзига қулай иш топа олмаган кишиларга бошқа туманлардаги бўш жойларни тақлиф этаймиз.

— Айни пайтда илм масканимизда 800 нафардан ортиқ талаба таҳсил олаяпти, — дейди А.Ҳўжаев номидаги республика дизайн коллежи ўқитувчиси Носиржон Бойматов. — Уларнинг чўқур билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Заргарлик бўюмлари, тақинчоқлар, курси, хайкалча-ларни талабаларимиз ўз қўллари билан ясаган, турли суратлар акс этган гизмаларни ҳам ўзлари тўкишган, сўзана-лар тикишган. Ҳозир ота-оналар, битирувчилар

рова. — Трест қошида 8 та бошқарма бор. Яқинда сантехника бошқармасини ҳам ташкил қилди. Иккита жуда катта бюртма асосида ишляймиз. Натижада яна 100 нафар ишчи ўрнига эҳтиёж туғилди. Маоши ҳам яхши. Ярмаркада кўпчилик тақлиф этган ишларимиз билан қизиқаяпти.

— Агротехжорат коллежини тугатганман, — дейди Санжар Тошмухамедов. — 3-гуруҳ ногирони бўлганим учун қурилиш ташкилотидеги ишим оғирлик қилмаётган эди. Энди мебель ишлаб чиқариш корхонасидан ўзимга муносиб иш топдим.

— Маҳалламизда кўпчилик аёллар касаначилик, ёшлар новвойчилик, қосбичилик, дурадгорлик каби халқ хунармандчилиги турлари билан шуғулланади, — дейди Зулфизар номли маҳалла оқсоқоли, ЎзХДП фаоли Садриддин Ҳасанов. — Ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг рўйхатини тузиб чиққанмиз. Ишсизларга биринчи навбатда ёрдам берамиз. Шу тариқа ўз ҳаётларини ташкил этиб олишади. 20 га яқин уйда ўтирган аёл бор эди. Уларни ҳам ярмаркага тақлиф қилдик. Аксарияти муносиб иш топишарди.

— Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш партияимиз Дастурида кўрсатилган устувор йўналишлардан бири, — дейди ЎзХДП Учтепа туман кенгаши раиси Махмуд Ёқубов. — Ёшлар масаласида ҳам ўз қарашларимиз, тақлифларимиз бор. Ана шу дастурий максдаларимизни амалга ошириш юзасидан бандликка қўмаклашиш маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Утган йиллар давомида туман ҳудудлари бўйича ҳам бир неча бор шундай тадбирлар ташкил этган эдик. Бу ҳаёда ўз самарасини берапти, электротехникани қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилаяпти.

Ушбу тадбирнинг туманда яшовчи ишсиз фуқаролар, иш берувчилар учун нақадар аҳамиятли экани иштирокчиларнинг сўзларидан шундоқ сезилиб турди. Айниқса, ёшлар ўзларига яратилаётган имкониятдан беҳад мамнун бўлишмоқда.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Абдусиё ХАЙДАРОВ
олган сурат.

Қорақалпоғистон:

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Ҳукуматимиз ҳар йили аҳолининг шахсий томорқаларида мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум етиштириш, улардан олинладиган маҳсулот турлари ҳамда аҳамини тобора кўпайтириш орқали қишлоқ истеъмол бозорини тўлдиришга алоҳида эътибор бермоқда. Мазкур маалла юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати тўмонидан қишлоқ ҳамада бул фуқаролар йиғинларида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Абдулла САБУРОВ бу ақда шундай дейди:

— Ҳозир аҳоли томорқаларида мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш жуда

долзарб бўлиб турибди. Республикаимиз туманларидаги ҳар бир хўжаликда сигир, парранда боқиш орқали чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жорий йилда аҳолининг 30 минг 176 гектар томорқа майдонларида — 4300,4 гектар сабзавот, 2214,6 гектар картошка, 3100,2 гектар полиз, 13648,5 гектар бошоқли дон, 6912 гектар озукабоп экинлар экиш режалаштирилди. Шунингдек, қўшимча 513,5 минг тулдан кўпроқ мева, 278,5 минг тул топ кўчатлари ўтказиш белгиланди. Бу ишларнинг аксарияти ниҳоясига етказилди. Пахта ва галла етиштирилдиган далаларда ҳам ким майдонлари четларига сабзавот, полиз, кар-

тошка экинлари экиш бўйича амалий ишлар бажарилди. Бу юмушларнинг бекам-куст бажарилиши учун туманлардаги идора, ташкилот ва корхоналар ходимларидан 1267 нафар киши ёрдамга сафарбар этилди.

Вазирлигимизнинг туманлардаги Бандликка қўмаклашиш марказлари ва ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари, ти-жорат банклари ҳамда солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлида уруғ-лик, дарахт кўчатлари ва бошқа моддий ресурслар сотиш йўлга қўйилди. «Пахта банк» томонидан микрокредитлар ажратилди. Дахлдор ташкилотлар томонидан

махсус дўконлар ва автолавкалар ёрдамида уруғлик, кўчат, минерал ўғит сотилиши ташкил этилди.

Бандликка қўмаклашиш марказлари жойлардаги аҳоли ва деҳқон хўжалиқларининг дала томорқалари ҳажми, мўлжалланган экин турлари, шунингдек, чорва моллари ва паррандалар сони ҳамда уларга бўлган қўшимча эҳтиёжларини ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар, тегишли банкларга кредитлар ажратилиш учун маълумотномалар тайёрлашди... Қўрилаётган бу чора-тадбирлар, қилинаётган меҳнат аҳолини ижтимоий ҳимоя этишда, турмушини фаровонлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гулгун СУЛТОНОВА

мақсад — аҳолини мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва бошқа масъул ташкилотлар эътиборига

мулоҳаза учун мавзу

«Тошкент — Термиз» магистрал йўли Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳудудидан ўтади. Табиийки, бу йўлдан ҳар кун миңлаб, ўн миңлаб йўловчилар турли русумдаги автоуловларда тўтовсиз қатнашади. Уларнинг барчаси биринчи навбатда сафарлари кўнгилли, бехатар ва мароқли ўтишини хоҳлашади. Шу билан бирга, йўлга чиққан ҳар бир одам йўл бўйлаб катта-кичик манзилларда ўзига кўрсатиладиган маиший хизмат яхши бўлиши, бунинг эвазига олис йўл машаққатлари енгилашиши тарафдоридир.

Тўғри, мустақиллик йилларида юртимизда бу борада жуда катта ишлар қилинди. Шаҳарларни шаҳарлар, воҳаларни воҳалар билан боғловчи халқаро талабларга жавоб берадиган янги, замонавий ва раван йўллар қуриди, борлари қайта таъмирдан чиқарилди, йўл четларида йирик микёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўловчилар тўхтаб, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлайдиган хизмат турлари кўпайди, сифати яхшиланди. Энг муҳими, бу йўналишда кўпгина жойларда яхлит коммуникация тармоқлари тизими, бир-бутун инфратузилма яратилди. Бироқ, «Тошкент—Термиз» йўли бўйида йўловчиларга маданий-маиший хизматлар кўрсатилган шохобчаларнинг камлиги, борларининг эса хизмати кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида ҳар хил эътирозлар, танқидий фикрлар билдирилмоқда. Сафарга чиқиб, ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишган ҳар бир фуқаро, ўйлашимизки, бу гапларда жон борлиги, эътирозлар асосли эканига ишонч ҳосил қилади.

Мисол учун, серкатнов магистрал йўлининг Жиззах вилояти ҳудудидан юрган кишининг кўзи, аввало, йўл четларидаги бири-биридан кўркам ва шинам дўконлари ошхоналарга, кафе ва минибарларга, автомобилларга ёнлиги қўйиш шохобчаларига тушади. Улар шу даражада кўпайганки, санаб сановига етиш қийин. Лекин ўнлаб қаққирим юрсангиз ҳам биронта тиббиёт пункти, китоб дўкони, меҳмонхона, зарурат бўлиб қолганда, тин олинмайдиган, ювенил-таранбий иш имкони бўлган масканни учратмайсиз. Ваҳоланки, дунё таърибасида узок манзилга юрадиган автотранспорт катнайдиган йўл бўйлаб жойларда тўхтаб тўталадиган масканларнинг бўлиши, уларда йўловчиларга барча турдаги маиший хизмат кўрсатилиши белгиланган қўйилган. Тараққиёт бутун биздан ҳам шунчи талаб этмоқда. Бундай масканлар, яъни автоуловлар тўхтаб ўтадиган жойларда ошхона ва дўконлардан ташқари, тиббиёт пункти, устонахоналар, меҳмонхона сарташхоналар, қолверсас, шаҳарлараро сўзлашув телефон алоқаси пунктилари, гигиеник хоналар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Ҳаммамиз ҳам йўловчимиз, йўл юрамиз, узок-яқин сафарларга чиқамиз. Бундай пайтда йўл машаққатлари одамни қий-

наб қўяди, — дейди **Бахмал тумани марказий касалхонаси шифокори Раҳим Андакулов**. — Яқинда Жиззахдан Тошкентга жўнашимга тўғри келди. Кечроқ йўловчиға тўлган автобусга чиқдим. Жиззахдан ўтиб, Гулистон томон юганимизда бир кишининг юрак касали хуруж қилди. Нима қилиш керак? Ярим кеча. Шифокор сифатида беморга қўлимдан келганча ёрдам кўрсатдим. Лекин на дори-дармон топилди, на йўл-йўлақай биронта тиббиёт пункти ўради. Хартугул, Гулистон шах-

за. Катта йўллар четиди кўплаб йўл ҳаракати хавфсизлигига қарашли мунтазам йўл назорати хизмати масканлари қурилган. Бу — яхши, албатта. Бироқ уларда бирон-бир бахтсиз ҳодиса ёхуд автоҳалокат содир бўлган тақдирда йўловчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шарт-шароит ва имконият борми?

— Белгиланган йўл участкаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъулмиз, — дейди **вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги**

назорат хизмати ходими етиб келади. Бундай шароитда у қандай иш туттишни яхши билади, албатта. Чунки йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби билан ўтказилаётган ўқув машғулотида уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин эндиликда бундай тадбирларнинг ўзи етарли эмаслиги кўриниб қолаётирки, буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, воқеа жойига «Тез ёрдам» келгунга қадар жабрланувчиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўл патрул хизмати ходимлари малакаси мунтазам бойитиб борилса, улар бу борада ҳозиргидан кўра, кўпроқ қўнқималарга эга бўлишса, яна-ям муҳими, катта йўл четларида йўловчиларга заруратга қараб дастлабки тиббий ёрдам кўрсатувчи махсус масканлар ташкил этилса, яхши бўларди.

Энди йўловчиларга хизмат

кўрсатиш ва уларнинг қўнқилими олиш, чарчоғини ёзиш билан боғлиқ масаланинг бошқа бир жиҳати ҳақида. Жиззах шаҳридан чиқиб Самарқанд томонга йўл олсангиз, Галлаорол тумани бошланғич таълим мактабида йўл бўйида Бахмалсой деган исми жисмига мос қишлоқ бор. Йўлнинг икки томонида ошхона дўконлар қатор-қатор. Қўтиларга териб қўйилган қирмизи олмаларни қўриб, ҳавасингиз келади. Қўлини кўксига қўйиб: «Тоша тоғ асалидан, олиб келинг!» — дея сизни чорлаб турганлар ҳам шу ерда. Афсуски, ҳар икки томонга физ-ғиз ўтаётган автоуловлардаги йўловчилар орасида асал олайин, тамадди қилайин, дейдиганлари жуда кам. Сабаби билан қизиксангиз, бангадаги тоза асалнинг ярмидан кўпи қийматли, ошхоналардаги таомиларнинг сифати паст, нархи эса осмонда эканлиги аён бўлади.

— Узоқ Хоразмдан қадрдоним келган эди, — дейди **Жиззах шаҳрининг «Кимёгар» маҳалласи фуқароси Ўсар Аҳмедов**. — У билан шу ердаги ошхоналарнинг бирида овқатландим. Очиғи, меҳмоннинг олдида анча хижолат тортишимга тўғри келди. Утириб, тамадди қиладиган сўри устига ёғ босган дастурхон ёзғилик, атрофида анчайин уриниб қолган эски қўрпачалар. Шўрвасида маза-матра йўқ, кабоби чала пишган. Амаллаб тамадди қилган бўлдиқ. Ҳисоб-китобни сўраганим, анча пулни айтди. Нойлоқ тўладим. Лекин хизматчи йигит чек беришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Энди овқатлашниш учун ҳаргиз бу ерга келмайман, деб қўнқилимга тутиб қўйдим...

Халқимизда ёмонни айтмай, яхши йўқ деган мақол бор. Муаммолар етарли. Лекин шу билан бирга йўл бўйларида биз орзу қилган хизматни кўнгилли адо этаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Уларнинг яхши ишини қўриб, қани энди бошқалар ҳам улардан ибрат олса, деб ниёт қилдик.

Умуман магистрал йўллар бўйидаги маиший хизматлар, савдо-сотиқлари яхлит тартибга, намунали тарзда йўлга қўйишга фурсат етди. Йўл бўйида ҳам йўловчиларга олийҳиммат хизмат кўрсатиб, қўнқилими олиш, чет элликларнинг ҳавасини келтириш юртдошларимизнинг қўлидан келади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ТАҲРИРИЯТДАН

Бундай ҳолатлар ва муаммолар бошқа вилоятлараро магистрал йўлларда ҳам учрайди. Эҳтимол, мутасадди идоралар бу ҳақда мақбул ечимларни топиш устида бosh қотиришаётган бўлишлари мумкин. Лекин ҳозирча мазкур соҳада жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти.

Бугун сизу биз амалга ошираётган барча ҳайрли ишлар, ислохотлардан кўзда тутилган мақсад—муддао охир-оқибат, инсонга муносиб шароит яратишга, унинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган! Шундай экан, олис манзилларга отланган йўловчиларга сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, бу ишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишнинг мавриди келмадимми? Ахир, бугунми ёки эрта, ҳар қайсимиз узок-яқин сафарларга чиқишимиз, ўз ўзиндан йўловчиға айланганимиз табиий. Шунда, йўл-йўлақай манзилларда тўхталганда, кўрсатилаётган хизматлар туридан, сифатидан қўнқилимиз тўлса, қўнқилиш ҳосил қилсак, улар бизга йўл машаққатларини енгишда, ўзимизни яқин қилишда, сафаримиз бехатар, қўнқилили ва мароқли ўтишида ёрдам берса, айнаи муддао бўларди...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ МАЛИК НАБИЕВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир ҳудудлиқа ўради. Шу йўлнинг 30 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, академик Малик Набиев 92 ёшида вафот этди.

Малик Набиев 1916 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1937 йили П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида ўқитувчиликдан бошлади. 1958 йилдан умрининг охиригача Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика университетида фаолият юритиб, юзлаб истеъдодли ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатди.

Атоқли рассом ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти билан рангтасвир санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Мусавирнинг буюқ тарихий шахслар ҳамда фидойи замондошларимизнинг сиймосини акс эттирган ёрқин асарлари маданий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилди.

Айниқса, рассом мўйқаламига мансуб «Спитамен қўзғолони», «Беруний портрети», «Тамарахоним», «Чўпон», «Шифокор Маҳмудова портрети», «Қурувчи» сингари асарлар йўлнинг бадиий мукамаллиги билан ажралиб туради.

Малик Набиевнинг ижоди



мустақиллик йилларида юксак поғонага кўтарилди. Бу даврда у самарали ижод қилиб, Бобур, Фитрат, Усмон Носир каби улў ватандошларимиз образларини маҳорат билан яратди. Айниқса, 1994 йилда рассом томонидан яратилган буюқ аждоди-миз Соҳибқирон Амир Темур портрети нафақат тасвирий санъатимиз ривожига, балки маданий ҳаётимизда ҳам улкан воқеа бўлди.

Малик Набиев ўзининг бор истеъдоди ва маҳоратини халқимизнинг эзу фазилатларини, Ватанга муҳаббат туйғусини ёрқин бўёқларда акс эттириш,

миллий рассомчилик санъатини янги босқичга кўтаришга сарфлади. Унинг асарлари мамлакатимиз ва қатор хорижий давлатларда ўтказилган халқаро бадиий кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилди, нуфузли санъат музейлари хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Устоз санъаткор ўзининг педагогик фаолияти давомида кўплаб ёш иқтидор эгаларини тарбиялаб вояга етказди. Унинг бетакор асарлари, бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари ёш рассомлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

М.Набиевнинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган унутилмас ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвонлари, «Буюқ хизматлари учун» ордени ва бошқа юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Улкан ижодкор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Малик Набиевнинг порлоқ хотираси халқимиз қалбидида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Т.ҚЎЗИЕВ, Ж.ИЗЕНТАЕВ



Эрон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури

— Ушбу қурилишга доир музокаралар давом этмоқда ва яқин келажақда бу ҳақда келишув имзоланиши мумкин, — деди Эрон президенти Аҳмади Нахот Нью-Делида Ҳиндистон бош вазир Манмохан Сингх билан бўлган мулоқотдан кейин.

Яқинда Эрон раҳбари Покистонда бўлиб, бир жойда тўхтаб қолган қурилиш лойиҳаси музокараларини давом эттиришга тарафдори эканини билдирди. РИА Новостининг хабарига кўра, Покистон бош вазир Юсуф Разо Гилани ҳам битим тузишга тайёр эканини айтган.

7,5 миллиард доллар деб баҳоланаётган лойиҳа ўтган йили томонларнинг газ нархи бўйича келишма олмагани боис тўхтаб қолган. Ҳиндистон газни Покистон ҳудудидан узатиш солиғига қарши чиққан. Энди лойиҳа иш-тироқчилари узунлиги 2,7 миң километри ташкил этувчи қувурни ўтказиш учун маблағ топиши, газ ўтказиш операторини аниқлаши ва қувур хавфсизлигини таъминлаш зарур.

OMBUDSMEN

Транспарентлик керак

Европа омбудсмани Никитас Димандурос Европа Иттифоқи институтларини аъзо давлатларга тааллуқли маҳфий бўлган ҳужжатларни оммадан аширмаслиқка чакирди. РИА Новости хабарига кўра, тўшаётган шикоятлар Европа Иттифоқи институтларининг очик фаолият

олиб бориши кераклигини таъкид қилади. Димандурос шунингдек, журналистларга 2007 йил унинг номига фуқаролар, компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотларидан 3211 та шикоят келганини айтди. Ҳуқуқшуноснинг таъкидлашича, у қўриб чиққан шикоятларнинг аксарияти Европа Иттифоқи ташкилотлари

салхоналар генераторлар чиқарган электр қувватига уланиб, қўрқарувчилар лифтиларда қамалиб қолганларга ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари метро ҳам ишламай қолган. Венесуэла энергетика департаменти бошчилигини айтишча, электр энергияси таъминоти кенга бориб яна тикланди.

Эслатиб ўтамиз, Гури гидро-электростанцияси дунёдаги иккинчи энг катта электростанциядир. У 10200 МВт ток ишлаб чиқара олади.

Қисқа хабарлар

Германиянинг «Чорен индустри» компанияси қишлоқ ҳўжалиги чикиндилари — ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёқилғи ишлаб чиқара бошлади. Компания илгари ёқилғи тайёрлашда буғ-дўй, картошка ва лавлаги қолдиқларидан ҳам фойдаланган. Янги усул анча арзон тўшати. Ҳозир «Чорен индустри» йилгига 15 миң тонна табиий ёқилғи ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Нью-Йоркдаги «Кристис» кимовид савдо уйида Чарльз Диккенс қаламига мансуб «Оливер Твист» асарининг қўлемаси 229 миң долларга сотилди. Хабарларга қараганда, 1996 йилда унинг бошқа қўлемаси 160 миң долларга харид қилинган экан. РАТА-ТАСС муҳбирининг хабар беришича, адибнинг яна икки юздан зиёд асари сотувга қўйилган. Улар қарий икки миллион долларга сотилиши мумкин.

Солиқ ва ҳаёт

ИМТИЁЗЛАР БЕРАЁТГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш. Бу йўналиш моҳияти Республика-миз Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджет-ти параметрлари тўғрисида»ги қарориди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралда бўлиб

ўтган мажлисида қилган маърузасида батафсил очиб, асослаб берилди. Дарвоқе, солиқ юки ставкаларининг йил сайин қайта қўриб чиқилаётганлиги ҳамда босқичма-босқич камайтириб борилаётганлиги — корхоналар айланма маблағларининг тўлдирилиши ва ишчи-хизматчилар иш ҳақи ҳамда даромадлари ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина бизнинг туманимиз мисолида оладиган бўлсак, 2007 йилда фаолият кўрсатган 4386

та ҳўжалик юритувчи субъектдан 3847 таси солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаши керак бўлиб, улардан 670 таси солиқ имтиёзлари қўлланиладиган субъектлар сирасига кирарди. Йил охирига келиб, ушбу субъектлар солиқ имтиёзлари қўлланилишидан 179164,8 млн. сўмлик қўшимча молиявий ресурсга эга бўлишди. Жорий йилнинг 1-чораги якуни бўйича ҳам мазкур кўрсаткич — 4479,2 млн. сўмни ташкил этди. Тўғри, бу хил рақамлар туман микёсида кишини у даражада хайратта солмасли-

ги мумкин. Лекин бу ерда гап микдорда эмас, ишларимизнинг юришиб кетаётганлигида. Президентимиз фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳўкумат қарорлари ижроси тўла-тўқис таъминланаётганлигини айтишчи, Яна бир гап: солиқ сиёсатида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар субъектлар фаолиятига икки томонлама таъсир кўрсатмоқда. Биринчидан, улар ўз ихтиёрларида қўшимча равишда қўлаётган маблағ эвазига ишлаб чиқаришларини кенгайтириш, ишчи-хизматчилар

иш ҳақини ошириш, даромадлари ва иш шароитларини яхшилаш имконига эга бўлмоқдалар. Пировардида, корхоналар меҳнаткашларининг турмуш тарзлари ҳам фаровонлашмоқда.

Иккинчидан, давлатимиз томонидан тақлиф этилаётган солиқ имтиёзлари шартлари уларни жаҳон андозаларида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундамоқда. Туманимиз Давлат солиқ хизмати ходимлари улар билан нафақат ҳамкорлик қилмоқдалар, балки бирга фаол иш ҳам олиб бормоқдалар.

Даврон ХўЖАЕВ,
Тошкент шаҳри
Миробод тумани
Давлат солиқ
инспекциясининг
бўлим бошлиғи.



(Давоми. Боши 1-бетда)

29 апрель куни М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида олимпиаданинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик Валерий Лунин, ҳакамлар хайъати раиси, Москва давлат университети профессори Валентин Ненайденколар сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий қабул учун миннатдорчилик билдиришди. Олимпиада иштирокчиларига ҳақ муваффақиятлар тилашди.

«Ниҳол» мукофоти соҳиблари, таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақс дастларининг чиқишлари тантанга ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Игорь СТЕПАНЕНКО, Львов миллий университети қошидаги физика-математика лицейи ўқувчиси (Украина):

— Мазкур халқаро олимпиадада иккинчи бор иштирок этишим. Утган йили олтин медаль билан тақдирлангандим. Бу йил



«ОЛИМПИАДА БИЗНИ ДЎСТЛАШТИРДИ, БИРЛАШТИРДИ»

дейишмоқда 42-халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчилари

сазовор жойларини бориб кўрдик, муқтаиллик майдонини зийрат қилдик. Бу гўзал шаҳар менга жуда ёқди.

Равшан МИРЗАЕВ, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси:

— Нуфузли халқаро олимпиаданинг мамлакатимизда ўта-

Ўзбекистон ёшлари ҳақида ҳикоя қилиб бердим...

Олимпиаданинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

Куннинг иккинчи ярмида эса пойтахтимизнинг «Марказий»

ларнинг сифати ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.

Кечурун эса «Ўзбекистон» меҳмонхонасида россиялик, украинлик, тожикистонлик, қирғизистонлик, эстониялик, молдовалик, туркменистонлик, арманистонлик, қозғистонлик, белоруссиялик ва ўзбекистонлик олимпиада иштирокчилари халқаро гроссмейстер Рашид Зиёвуддинов билан шохмат ўйнаб, бу борадаги билимларини ҳам намойиш этишди.

Кеча Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида 1-назарий тур синовлари ўтказилди. Куннинг иккинчи ярмида эса меҳмонлар Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик театрига ташриф буюришди. Улар учун «Хумо» балети, шунингдек, «Ниҳол» мукофоти соҳиблари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1-назарий тур синовидан лавҳа; халқаро гроссмейстер Рашид Зиёвуддинов билан шохмат баҳслари; олимпиада қатнашчилари ва жамоа раҳбарлари.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА), Абдусоҳ ХАЙДАРОВ олган суратлар



ҳам аввалги натижамни тақдорлаш ниятидаман. Ўзбекистон, Қозғистон, Туркменистон, Тожикистондан ажойиб дўстлар орттирдим. Кейинчалик улар билан хат ёзишга ҳам қилишиб олдик. Олимпиада барчамизни дўстлаштирди, бирлаштирди, деб ўйлайман.

Тошкент ҳақида гапирадиган бўлсам, кўркам ва озода шаҳар экан. Одамлари меҳмондўст. Пойтахтнинг диққатга

ётгани биз учун катта имконият. Унда, албатта, она-Ватаним — Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилаётганимдан фазрланаман. Унга бир неча ой давомида тайёргарлик кўрдик. Мамлакатимизнинг таниқли кимёгар олимларидан сабоқ олдик. Мана шу уч кун ичида Руминия, Болгария, Эстония, Россия давлатларидан келган тенгдошларим билан яқиндан танишдим, уларга Ватанимиз,

меҳмонхонасида «Мактаб кимё таълимининг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилди. Тадбир давомида кимё фани таълими билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Унда ушбу фан бўйича ишлаб чиқилган таълим андозалари, умумтаълим мактабларида кимёнинг ўқитилиш муаммолари, яратилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланма-



Шу йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилади. Айни пайтда мамлакатимиз спортчилари ер кўррасининг ушбу нуфузли мусобақасига йўлланма берувчи йирик халқаро турнирларда иштирок этишмоқда.

ЙЎЛЛАНМАЛАР 41 ТАГА ЕТДИ



Ана шундай мусобақалардан бири дзюдо бўйича Сеул (Жанубий Корея) шаҳрида бўлиб ўтди. Эркалар ва аёллар ўртасида ўтказилган мазкур Осиё чемпионатида майдонга чиққан саккиз нафар ҳамюртимиз Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Эътиборлиси, қатор халқаро турнирлар ғолиби ва Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг.) ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, дзюдочиларимиздан Хуршид На-

биев (90 кг.) ҳамда Мария Шекирова (+78 кг.)лар финалгача муваффақиятли иштирок этиб, кумуш медаллар билан тақдирландилар. Бундан ташқари, мутлақ вазн тоифасида ҳам ўз омадини синаб кўрган Мария Шекирова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олишга муваффақ бўлди.

Осиё чемпионатида қадар ўтказилган қатор нуфузли турнирларда муносиб қатнашган дзюдочиларимиздан Ришат Собиров (60 кг.), Шерали Шарипов (66 кг.), Шокир Мўминов (73 кг.), Ўткир Қурбонов (100 кг.) ҳамда Зи-

нура Жўраева (52 кг.)лар Сеул гилламариди муҳим оқоларни қўлга киритиб, Пекин олимпиадасида иштирок этувчи спортчиларимиз сифини бойитишди.

Хитойда ҳам академик эшак эшиш бўйича Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи Осиё чемпионати ўтказилди. Унда мусобақа дастуридан жой олган яқкалик баҳсларида муваффақият қозongan ҳамюртимиз Руслан Наурузалиев олимпиада йўлланмасига сазовор бўлди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз спортчилари ҳисобидаги Пекин олимпиадаси йўлланмалари сони 41 тага етди. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, бу кўрсаткич май ойида янада кўпаяди. Чунки мазкур ойда юртимиз спортчилари эркин ва юнон-рум кураши, енгил атлетика, байдарка ва канозда эшак эшиш, тариятлон ҳамда академик эшак эшиш бўйича ўтказиладиган йирик халқаро турнирларда олимпиада йўлланмалари учун кураш олиб боришади.

Эркин ХОЛБОБО

АНТОННИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Словениянинг Марибор шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг учинчи босқичи якунланди.

Дунёнинг энг кучли спортчилари иштирок этган турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Антон Фокин брусъда ба-жарилган машқларда 15,750 балл жамғариб,

шохсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади.

А.Фокин утган йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида совриндорлар қаторидан жой олиб, Пекин Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Зоҳир ТОШҲҲАЕВ, ЎЗА мухбири

«ЯШИЛ ПОСБОН» ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

ёки атроф-муҳитни тозалаш ва кўкаламзорлаштириш бўйича Сергели туманида бошланган ташаббус ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Уч йил мобайнида амалга оширилган ишларни кўриб, катта таассуротга эга бўлдик, — дейишди Собир Раҳимов туманидан келган вакиллар. — Сирасини айтганда, хайрли иш бошланган. Болаларда табиатга меҳр уйғотиш билан уларни ўз уйлари, кўчалари, маҳалла, шаҳар, қолаверса, юртни севиш ва ватанпарварлик сари етаклашга йўл очамиз. Яшил кўриқчиларнинг ишлари азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини муносиб нишонлаш бўйича бошланган катта тайёргарликка ўй-ғунлашиб кетиши табиий. Шу жиҳатдан ҳам туманда давом этаятган «Яшил посбон» анъанасини Собир Раҳимов тумани мактабларида ҳам қўллаш ҳақида ўйлашимиз. Бундай тадбирлар ёшларимизда ўз юртига меҳр-муҳаббатни ҳам оширади.

— Бу ташаббусга уч йил аввал асос солиниб, туман ҳокимининг 2005 йил 31 март қарори билан маъқулланган эди, — дейди Сергели туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Анвар Гафуров. — Мақсад ёшларни ободонлаштириш ишларига жалб қилиш,

тозаллик, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига эътиборни кучайтириш. Бу тадбирларга «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, уй-жой мулкдорлар ширкатлари кўмакдош этиб белгиланишмоқда.

Гуруҳларга 4-9-синф ўқувчилари кўнгилли равишда жалб қилиб келинмоқда. Улар туманимизнинг шартли 12 га бўлинган ҳудудда фаолият кўрсатадилар. Кўриқчилар сифи 720 дан 3100 нафарга кенгайди. Мавжуд 26 мактаб, 6 коллеж, 1 лицейдан аъзо бўлган яшил ва озодлик ошфталари бу сафар Сурхондарё воҳасидан келтирилган 77 мингга арча ниҳолларини ўтказиб, уларни асраш билан шуғулланишмоқда. За-рур меҳнат қуролларини маҳалла ва уй-жой мулкдорлар ширкатлари етказиб берапти.

Жўрабой ОСМОНОВ, «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли: — Ўзига муносиб иш билан машғул бўлган болаларни кўриб кўзим қувнайди. Отангизга раҳмат, озод юрт ворислари дейман. Ахир ҳовли, майдонча, бог, гулзор, кўп қаватли уйларнинг йўлакларини сарғишга бўлса, яшил



эмасми? Ўйлайманки, меҳнатнинг қадрига етган, яшиллик ва озодликни эъзозлаган бундай болалар писта пўчоғи, қоғоз, бақлашқа каби матоҳларни кўна-қўйга улоқтиришни ўзларига эп кўришмайди.

Ҳамид ХУҲАХОНОВ, 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси директори: — Ибратли ишлар бўлаяпти.

32 нафар «посбон»имизнинг намунали ишлари муносиб баҳоланди. «Энг обод ҳудуд» ғолиби сифатида 300 минг сўмлик моддий рағбатга эга бўлганди. Шунинг ҳисобида болаларимизни Самарқанд — Бухоро шаҳарлариға сафарга олиб бордик. Ўз ҳудудимизнинг

ҳамиша яшил ва озода бўлиши учун ҳаракат қилаверамиз.

Маҳмуд НИФМАТЖОНОВ, 174-мактаб 4-синф ўқувчиси:

— Мен юқори синф ўқувчиларига ҳавас қилиб, «посбон»лар қаторига қўшилганман. Ўртоқларим билан мақалатура, темир-терсак, бақалашкалар йиғиб, уни ўтказиб, ўшанинг пулига совға олиб, сардоримиз бошчилигида ёлғиз, қаровчиса йўқ қариялардан хабар олаёпамиз.

Зилола ЖАЛОЛОВА, 8-мактабнинг 8-синф ўқувчиси:

— Бу ишларимиздан ўқитувчиларимиз, ота-оналаримиз мамнун. Мактабимизда «посбон»лар дастлаб 30 нафар эди,



ҳозир 250 дан ошиб кетди...

Тадбир давомида қилинган ишларнинг видеотасмага туширилган тасвирлари катта экранда намойиш этилди. Бу ерга йиғилган 640 нафар ўқувчи ва ўқитувчидан 66 нафари алоҳида мукофотлар билан тақдирланди. Туман халқ таълими бўлими мудариси Муҳайё Саидова мукофотларни топишар экан, жами 4 миллион сўмдан орттиқ сармоа сарфланганини маълум қилди.

Туманда қанот ёзаётган «Яшил посбон»га аъзо бўлаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу ташаббусдан ибрат олса арайди. Чунки тадбирнинг ҳосиласи атроф-муҳитни яшилликка буркаб, ҳаво мусоффолигини ошириш бўлса, иккинчи тарафи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган, муҳими, фойдали иш билан шуғулланишга ихтиёрли равишда бирлашиб, уларни дўстлашишга сабаб бўлмоқда. Ерга, меҳнатга бўлган муносабатининг ихтиёрли ўзгариши эса, ёшларда инсоний фазилатларни шакллантириши табиий.

Ҳайдар НОСИРОВ

КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИ

Тадбир

Қашқадарё вилоятида «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» бўлиб ўтди. «Насаф» тез юрак поездиди ваҳага ташриф буюрган меҳмонлар билан илк учрашув Қарши давлат университетининг «Ёшлар маркази»да ташкил этилди. Тадбир давомида таниқли санъаткорлар ва ёшлар сўзга чиқиб, бундай учрашувлар ижодкорлар билан муҳлислар ўртасида фикр алмашувни таъминлашни алоҳида таъкидлашди.

Кино санъати кунларида Санъат Девон, Ёдгор Саъдиев, Гулчехра Саъдуллаева сингари таниқли ижодкорлар билан бир қаторда Аюб Шаҳобиддинов, Гулчехра Эшонқулова, Улугбек Қодиров, Улугбек Юнусов каби ёш санъаткорлар ҳам иштирок этишди.

— Миллий кино санъатимизнинг бугунги тараққиёти Ўртабонимизнинг соҳага қаратаётган эътиборлари туфайлидир, — дейди «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов. — Биргина утган йилнинг ўзида 16 та бадий, 10 та мультфильм, 20 та ҳужжатли, 60 соатлик ўқув видеофильмлари яратилди. Гап миқдорда эмас, балки кино асарининг савияси жиҳатдан томишабинларга манзур бўлишида. Кейинги йилларда суратга олинган «Чашма», «Забаржад», «Ватан» сингари киноасарлар миллий кино санъатимизнинг ютуғи бўлди. Бу сафар қашқадарёлик муҳлисларга Аюб Шаҳобиддиновнинг «Ўтов» ва «Телба», Собир Назармуҳаммедовнинг «Соғинч соҳили», Ҳамидулло Ҳасановнинг «Қавандоз» каби бадий, «Умид ниҳоллари», «Қарши — 2700 йилгича», «Шўртангазкимё мажмуаси», «Ўзбекистон баҳори», «Ватан останада бошланади» каби ҳужжатли, илмий-оммабоп, «Ур тўқмоқ», «Эртақлар яшилликка етаклар», «Дангаса» каби мультфильмлари олиб келганмиш.

Учта ижодий гуруҳга бўлинган санъаткорлар Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги маданият саройларида, «Косон ёғ-экстракция» заводида, «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасида, «Шўртангазкимё» мажмуида, Дехқонобод агроасаноат, Ғузор шаҳридаги маънавий хизмат, Қарши шаҳридаги банк касб-хунар коллежларида учрашувлар ўтказишди.

Матлуба ЭШПЎЛОВА, Косон компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Менга «Суюнчи», «Утган кунлар» фильмлари жуда ёқди. Бугунги учрашувда кино асар қандай яратилиши ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Тақдирим шунки, ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар кўпроқ яратилса.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

12869 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 05.30
Toshirilgan vaqti — 06.20
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda